*10-модда.* ***«Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.***

***Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас».***




*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда*

# ХАЛҚ НОМИ БИЛАН

Ўзбекистон Конституциясининг энг демократик томони шундаки, унда бутун ҳокимият халқ қўлида эканлиги қонуний расмийлаштирилибгина қолмасдан, Ўзбекистон халқининг ушбу ҳокимиятни қандай тартибда амалга ошириши ҳам аниқ кўрсатиб қўйилган. Конституциянинг 10-моддасига биноан Ўзбекистон халқи номидан фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин.

Олий Мажлис ҳақида бир сўз билан шуни айтиш мумкинки, у Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик муассасаси, қонун чиқарувчи органи, яъни парламентидир. Албатта, шу ўринда парламент нима, унинг ўзи қаердан келиб чиққан, деган табиий савол туғилади.

Парламент ибораси французча «гапирмоқ» деган сўздан олинган. Парламент тарихда биринчи марта XIII асрда Англияда табақа вакиллик органи сифатида вужудга келган. XVII-XVIII асрлардаги буржуа революциялари натижасида парламентларнинг роли ортиб кетган ва дунёдаги кўп мамлакатларда қонун чиқарувчи орган сифатида ташкил этила бошлаган. Парламентлар тузилишига кўра бир палатали ёки икки палатали бўлиши мумкин. Собиқ СССРда қонун чиқарувчи орган — СССР Олий Совети икки палатали, яъни Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советидан иборат эди. Дунёда энг ривожланган мамлакатлардан Америка Қўшма Штатларида унинг Конституциясига кўра, парламент — қонун чиқариш органи — конгресс деб номланиб, у икки палатадан: сенат ва вакиллар палатасидан иборат. Парламентнинг икки палатали бўлишига асосий сабаб давлатнинг федерация шаклида тузилишидир. Ўзбекистон Республикаси ўз тузилишига кўра унитар, яъни марказлашган ягона ва оддий давлат ҳисобланади. Шу сабабли унинг қонун чиқарувчи органи — парламенти — Олий Мажлис бир палатали органдир.

Ўзбекистон Олий Мажлиси бевосита халқ томонидан ташкил этилиб, унинг вакиллик органи ҳисобланади. Унга депутатлар халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Демак, Ўзбекистон халқи ўз ичидан муносиб номзодлар танлаб, уларни Олий Мажлисга вакил сифатида сайлайди. Уларга ваколат бериб қўяди ва худди шу тариқа ҳокимиятга эгалик қилади. Бироқ фақат шугина эмас. Халқнинг ҳокимиятга эгалик қилиши бошқа воситалир орқали ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ташкил этилиши, вазифалари, тузилиши ва фаолияти ҳақида Конституциянинг XVIII боби, 76-88-моддаларида батафсил кўрсатиб берилган.

Конституциянинг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориш ҳуқуқи Олий Мажлис билан бир қаторда Президентга ҳам тегишли эканлиги эътироф этилган. Шу боис Президент деган иборанинг моҳиятини, унинг тегишли давлатда тутган мавқеини аниқлаб олиш зарур. Президент ибораси лотинча «олдинда», «юқорида ўтирувчи киши» деган сўздан олинган. Ҳозирги вақтда Президент ибораси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, республика шаклидаги бошқарувга эга бўлган мамлакатларда давлат бошлиғи — Президент деб юритилади. Иккинчидан, кўпинча бир қатор ижтимоий ва илмий муассасалар, ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган раҳбарлари президент деб аталади. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, Илмий Иттифоқларнинг халқаро Кенгаши президенти, Астронавтларнинг халқаро академияси президенти ва ҳоказо.

Хусусан, Конституциянинг 10-моддасида Ўзбекистонда давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи ҳисобланган Президент назарда тутилмоқда. Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти бевосита халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Президент ҳам худди шу йўл билан халқдан ваколат олади ва унинг номидан иш кўради. Президент халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг хоҳиш-иродасини ифода этиб фаолият юритади ва фармонлар чиқаради. Унинг томонидан чиқариладиган фармонлар Конституцияга асосланиб, қонуний кучга эгадир. Демак, Президент фармонларини бажармаслик, уни қасддан бузишлик халққа хиёнат қилишдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистонда Президентлик ҳокимиятининг ташкил этилиши, вазифалари ва ваколатлари ҳақида Конституциянинг XIX боби, 89-97-моддаларида атрофлича маълумотлар берилган. Конституциянинг 10-моддаси назарда тутган асосий талаблардан яна бири шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Президентидан ташқари жамиятдаги ҳеч бир гуруҳ, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқининг ваколатига эга эмас. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади. Ана шундай жамоат бирлашмалари, шунингдек маълум гуруҳлар, ташкилотлар раҳбарлари, алоҳида шахслар Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. Чунки Конституция Олий Мажлис ва Президентдан ташқари ҳеч кимга бундай ҳуқуқни бермайди.

Шу нарсани унутмаслик керакки, ҳеч қандай ташкилот, ҳеч қандай гуруҳ ва ҳеч бир шахс Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириши мумкин эмас. Акс ҳолда бундай ҳаракат қонунга хилоф ҳисобланади ва тегишлича жавобгарликка тортишга асос бўлади. Бундай ҳаракатлар кўпинча давлатга қарши қаратилган жиноят сифатида кўрилади ва бунинг учун ҳатто энг оғир жазолар назарда тутилади. Чунки ҳар қандай демократик давлатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам давлатга, халққа хиёнат асло кечирилмайди.

Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.



Тадбиркорлик билан иш юритаётган маиший хизмат соҳасидаги кичик корхоналар орасида «Фарҳод ЮТА» масъулияти чекланган жамият аъзоларининг ҳам ҳиссаси бор. Улар электр чойнак, музлатгич ва бошқа электр жиҳозларини таъмирлашга ихтисослашган. Шунингдек хонадонларга бориб, аҳолига қулайлик яратишни ҳам ўзларининг инсонийлик бурчи деб тушунмоқдалар.

СУРАТДА: жамият раҳбарининг ўринбосари Валерий Турсунов (чапда) хона совутгичини таъмирлашга олиб келган мижоз билан.

Рустам Шарипов олган сурат.

*Ҳамшаҳарларимиз*

# КЕКСАЛИК ГАШТИ

Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласи аҳолиси Шоали ака Шоғалиев номини ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. Шоали ака қўлига қурол олиб фашист ортида — меҳнат фронтида жасорат кўрсатган фидойилардан бири. У ўша даврдаги қаҳрамонона меҳнати билан «Тошқишлоқмаш» заводи тарихида ўчмас из қолдирган. У ўша суронли йилларда зарбдорчасига ишлаш билан бирга катта ташкилотчи сифатида танилган эди.

Шоали ака корхона остонасига қадам қўйганда эндигина 17 баҳорни қаршилаган ёш йигитча эди. Меҳнат фаолиятини 1935 йилда бошлаган Шоали авжи уруш йилларида асбобсозлик цехида чилангар-асбобсоз бўлиб ишлади. Бу кезларда корхона ишлаб чиқариши ҳарбий изга кўчирилган бўлиб, мина ва снарядлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди. Меҳнатсевар абжир йигитни 1944 йилда заводга ишчи мутахассислар тайёрлайдиган ФЗО (фабрика-завод таълими) мактабига комсорг қилиб тайинлашди. У корхонага малакали ишчи кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Маълумки, республикамиз аҳолиси жанг майдонларида душманга қарши курашаётган ўз ҳимоячиларига фақат қурол-яроғ, ҳарбий техника эмас, балки озиқ-овқат, кийим-бош, совға-саломлар ҳам юбориб турди. Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан ҳаракатдаги армия жангчиларига совға-салом ортилган эшелонларни бошқариб борган делегация аъзолари орасида корхона ишчилари вакиллари ҳам бор эди. Ғарбий фронтдаги 12-гвардиячи ўқчи дивизияга совға-салом элтган делегация таркибида ишлаб чиқариш илғори, завод цехларидан бирининг бошланғич комсомол ташкилоти котиби чилангар Шоали Шоғалиев ҳам бор эди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам Шоали ака ҳалол меҳнат қилди.

Мана, бир неча йилдан буён Шоали ака кексалик гаштини сурмоқда.

— Минг шукрки, Президентимиз, давлатимиз биз кексалар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда, — дейди Шоали ота Шоғалиев. — Энг навқирон, куч-қувватга тўлган ёшлигимиз уруш йилларига тўғри келди. Ёшлик, куч-қувватимизни фақат ҳалол меҳнат қилишга сарфладик. Ана шу меҳнатимиз зое кетмаганидан мамнунман. Юртбошимиз бизнинг уруш ортидаги меҳнатларимизни юқори баҳолади. Ғалаба соатини яқинлаштиришга қўшган ҳиссамизни қадрлаб, кўплаб имтиёзлар берди. Эл қатори мен ҳам ана шу имтиёзлардан баҳраманд бўлаётирман.

Мавлуда МИРЗАЕВА.

*Меҳнатинг — зийнатинг*

# ИБРАТ

Руҳилла Ҳикматуллаев қарийб 25 йилдирки 7-йўналишдаги троллейбусни бошқаради. Бу йўналиш 14,05 чақирим бўлиб Юнусобод, Шайхонтоҳур, Миробод, Чилонзор туманларининг саноат мавзеларини бир-бири билан боғлайди. Машиналар 51,5 дақиқалик қатнови давомида 150-160 йўловчига хизмат кўрсатади.

Йўналишда ҳар куни 12 та машина қайнаб, ҳайдовчилар тезликни соатига 16,4 чақиримга етказиб юрадилар.

Илғор ҳайдовчи ҳозирги кунда транспорт корхоналаридаги эҳтиёт қисмлар тақчиллигини назарга олиб машинани эҳтиёткорлик билан бошқаришни биринчи галдаги вазифаси деб билади. Ўз касбдошлари ва ёшларни ҳам шунга ундайди.

Ҳайдовчилар режаларни бажаришлари учун тўлиқ иш соатини ўташлари лозим. Бунинг учун машиналар доимо техник мукаммал бўлиши шарт. Шу боисдан сўнгги айланма бекатларга ҳам чилангар нурсозлар бириктириб қўйилганки, бу усталар троллейбусларнинг унча мураккаб бўлмаган носозликларига барҳам бериб, тезда йўлга чиқишини таъминламоқдалар.

— Машиналарга тез ва соз техник хизмат кўрсатувчи усталар саройимизда ҳам анчагина. Шу боис ҳам ишимизда самарадорликка эришмоқдамиз, — дейди Руҳилла Ҳикматуллаев. — усталарнинг холис меҳнати биз ҳайдовчиларни янада жадал меҳнат қилишга, халққа намунали хизмат кўрсатишга ундайди. Мана шу мақсад йўлида касбдошларим тинмай ишлашмоқда.

Илғор ҳайдовчининг узоқ йиллик беназир хизмати маъмурият томонидан муносиб баҳоланган. У ўнлаб ҳайдовчиларга устоз, троллейбусларнинг техник жиҳатларини пухта биладиган, уни авайлаб-асрайдиган касб соҳиби ҳамдир.

Саид АЛИМОВ,
Усмон МУҲАМЕДОВ.

*Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

# ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Тошкент вагон таъмирлаш заводида ўз фаолиятини бошлаган салкам 55 йил мобайнида кўп ўзгаришлар юз берди. Корхонанинг моддий-техник негизи мустаҳкамланиб, қатор янги цех ва участкалар ташкил топди. Улар турли дастгоҳ, мослама ва техника воситалари билан жиҳозланди.

Ҳозир заводда истиқболли режа асосида туб янгиланиш жараёнлари давом этмоқда. Собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида бўлгани каби трамвай-троллейбусларни созлаш жараёнига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Авваллари завод ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қардош республикалар ёрдамига таянилар эди. Бозор иқтисодиёти шароити машинасозликда ҳам танглик ҳолатини юзага келтирди. Россия, Марказий Осиё республикаларидан олинадиган транспорт, техника жиҳозлари кескин камайиб кетди. Устига-устак завод эскирган техника асосида иш кўрарди. Бу билан трамвай ва троллейбусларни соз ҳолга келтириш, улардан узоқ муддатда фойдаланиш учун мустаҳкам техник негиз яратиш мумкин эмас эди.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир саноат корхонаси ўзининг бой техник заҳирасига ҳам эга бўлмоғи лозим. Акс ҳолда ишлаб чиқаришда ҳам, маҳсулот сифатида ҳам ўзгариш бўлмайди. Буни инобатга олиб, корхонада қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. Турли эҳтиёт қисмлар, ускуна ва мосламаларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Шаҳар йўл хўжалиги хизматини бир маромда ташкил этишда бу хил жиҳозлар қўл келмоқда. Айниқса, стрела кўтаргичи, болт ва гайкаларга бўлган эҳтиёж сезилмай қолди. Бу соҳада ишнинг юришишида заводнинг кичик корхоналар билан яқин алоқа боғлаши ижобий ўрин тутмоқда. Ҳозир вагон таъмирловчилари Тошкентдаги бир неча ихтисослашган кичик корхоналар билан шартномалар тузишган. Буни қуйидаги мисоллар ҳам тасдиқлайди.

Заводнинг 71-қурилиш бошқармаси ва «Синбад Осиё» кичик корхонаси билан алоқаси айниқса яхши йўлга қўйилган. Бу яқин муносабат туфайли корхонада турли хил эҳтиёт қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Пўлат изларни шпалларга мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган болтлар кўплаб чиқарилмоқда. Шунингдек, трамвай изларини бир-бирига улайдиган мосламалар намуналарини тайёрлаш ўзлаштирилди.

Аввалари электр транспорти йўналишларида фойдаланиладиган симларнинг турли мосламалари четдан келтириларди. Бу муаммони заводнинг ўзида ҳал қилиш масаласи кўрилди.

Ушбу техник янгиликни амалга оширишда корхонанинг меҳнат фахрийларидан бир гуруҳи ёрдамга келди. Силлиқловчилар Ф. Алимов, Н. И. Немашкаловларнинг изланишлари Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти олимлари эътиборини ўзига тортди. Завод билан олий ўқув юрти ижодий ҳамкорлигида «У-202» шестернясини тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Завод шаҳримиздаги «Чилангар» кичик корхонаси билан ҳам яқин алоқа ўрнатган. Мана шу ҳамкорлик натижасида Чехия вагонларининг электр қувватини қабул қилиб олувчи ускуналарга мос келувчи қатор деталлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Бугунги кунда электр транспортида пластмассали мосламалардан унумли фойдаланилмоқда. Улар трамвай ва троллейбусларни созлашда зарур деталлар бўлиб хизмат қилмоқда. Шаҳримиздаги «Меъмор» кичик корхонаси билан ҳамкорликда завод бу йил шу хил маҳсулотлардан кўплаб тайёрлаб беради.

Кейинги йилларда шаҳар транспортида электродларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжни қондириш масаласи ҳам завод раҳбарияти томонидан кўриб чиқилди. Мазкур мосламанинг муқобил намунасини тайёрлашни йўлга қўйишда фан ва техника ютуқларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бунинг учун завод мутахассислари Тошкент давлат техника университети илмий жамоаси билан боғландилар. Шундай қилиб, Н. Я. Абдеев бошлиқ бир гуруҳ олимлар электродлар ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этдилар.

Университет мутахассиси олимлари металларни тоблаш жараёнини йўлга қўйиш борасида ҳам корхонадан ўз ёрдамларини аямаяптилар. Айниқса, металл кесувчи асбоб-ускуналардан тўғри ва унумли фойдаланиш технологияси бўйича уюштирилган давра суҳбати фойдали бўлди.

Трамвай ва троллейбус қатновини яхши йўлга қўйишда эмалли симларнинг ҳам аҳамияти катта. Бу хил маҳсулотлар таъмирлаш ишларини олиб боришда кўплаб ишлатилади. Илгарилари эмалли симлар Россия, Қирғизистондан олинарди. Бозор иқтисодиёти шароитида бу хил симлар тақчиллиги яққол сезилиб қолди. Илгари тузилган шартномалар ўз кучини йўқотганлиги сабабли бу маҳсулотни Тошкентдаги ихтисослашган корхоналарнинг ўзида ишлаб чиқаришга тўғри келди. Жумладан, «Новатор» кичик корхонаси бу масъулиятни ўз бўйнига олди. Иккиламчи рангли металлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу корхона етказиб бераётган сифатли махсулотлар ҳозирда моторларни созлашда қўл келаётир.

Вагон таъмирлаш заводининг қайта қурилиши шаҳримизда электр транспорти ишини янада такомиллаштириш, техникавий тадбирлар кўриш имконини бериши турган гап. Ҳаракат таркибининг иш фаолиятини таъминлаб туриш мақсадида трамвай ва троллейбус саройларида ишлаб чиқарилаётган ёки қайта тикланаётган деталларнинг сони ҳозир 390 хилдан ошиб кетди.

— Ҳар бир техник янгилик, бунёдкорлик ишларининг юзага келишида малакали кадрларимиз хизмати катта бўлмоқда, — дейди корхона директори Рихсивой Зокиров фахр билан. — Шу ўринда биз корхона тараққиётига кўп меҳнати сингган ходимларимиз номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар техника бўлими бошлиғи В. Я. Синякин, трамвай вагонларини созлаш цехи устаси В. Ф. Евсиков, троллейбусларни таъмирлаш цехининг моҳир созловчилари Г. П. Гавриленко, Г. И. Капиловлардир.

Механика-тайёрлаш участкасида ҳам ўз касбини севадиган тажрибали созловчилар кўп. Бригада бошлиғи М. Мирзаев саъй-ҳаракати билан қатор техникавий янгиликлар ишга солинди. Электромотор цехи фаолиятини йўлга қўйишда мутахассис Ў. Мираҳмедов жонбозлик кўрсатмоқда.

Чиндан ҳам корхонанинг туб янгиланиш йўлидаги ибратли ишлари, изланишлари ўз самарасини кўрсатмоқда. «Интилганга толе ёр», деб шунга айтсалар керакда!

Суҳроб АЛИЕВ.

*Бир корхона янгиликлари*

**ОСИЁДАГИ** энг улкан корхоналардан ҳисобланган Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида чиқарилаётган замонавий юк самолётларига бутун жаҳонда талаб катта. Яқинда бирлашмада «янги авлод юк транспорти» ҳисобланган ИЛ-76 самолётининг дастлабки нусхаси йиғилиб, учиш-синов майдонига келтирилди. Энг диққатга сазовор томони — самолётнинг барча қисмлари тўлиғича бирлашмада тайёрланди. Ҳозир учиш майдонида самолётнинг қисм ва асбоблари синаб кўрилмоқда. «XXI аср самолёти» деб ном олган ушбу «пўлат қушни» шу йил кузда Франциянинг Ле-Бурже шаҳрида ўтказиладиган халқаро авиакўргазмада намойиш этиш мўлжалланмоқда.

***

**БИРЛАШМАДА** ишлаб чиқарилиши яқинда йўлга қўйилган ИЛ-114 пассажир самолёти ҳам ўтган йили бир неча халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этилиб, мутахассисларнинг юқори баҳоларига сазовор бўлган эди. Асосан маҳаллий йўналишларда қатнашга мўлжалланган ушбу самолёт тежамлилиги, қулай замонавий техник кўрсаткичлари жиҳатидан халқаро талабларга тўлиқ жавоб бера олади. Яқин вақтлар ичида бу самолётнинг юк ташувга мўлжалланган нусхасини ҳам ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Россиянинг Ильюшин номли конструкторлик бюроси билан тегишли ҳужжатлар имзоланди. Айтиш керакки, ушбу машинага ҳам ҳозирданоқ кўплаб харидорлар чиқяпти.

***

**БИРЛАШМАНИНГ** спорт иншоотларида 1500 дан ортиқ ишчилар спорт билан шуғулланиб, соғлиқларини мустаҳкамламоқдалар. Бундан ташқари ёзги мавсумга бағишланган алоҳида жисмоний тарбия дастури ишлаб чиқилган бўлиб, бутун бирлашма бўйича тез-тез «Жисмоний тарбия куни», «Сузиш ҳафтаси», «Бирлашма чемпионати» каби оммавий спорт тадбирлари ўтказиб борилади. Айни кунларда цехлараро анъанавий мини футбол мусобақаси қизғин бормоқда.

***

**БИРЛАШМАНИНГ** муҳташам маданият саройида яқинда бўлиб ўтган «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловида корхона ёшлари фақатгина меҳнатда эмас, балки санъат соҳасида ҳам катта иқтидорга эга эканликларини намойиш этдилар, бирлашма касаба уюшмаси ва Ёшлар Иттифоқи қўмитаси томонидан уюштирилган ушбу баҳсда асосан ётоқхоналарда истиқомат қилувчи ишчи-ёшлардан иборат «Ишқун» ва «Учқур» командалари бир неча қизиқарли шартлар бўйича беллашдилар. Асосий соврин — «Хумсон» дам олиш уйига бепул йўлланмалар қувноқ ва зукко йигитлар — Ориф Султонов, Мажид Назаров, Олим Пўлатов, Шуҳрат Ҳакимов ва бошқаларга насиб этди.

Бирлашма Ёшлар Иттифоқи ташкилоти бундан кейин ана шундай қувноқ беллашувларни турли корхоналар жамоалари ўртасида уюштиришни мақсад қилиб қўйган.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.



*Суратли ахборот*

# ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Акмал Икромов туманида кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига кўмаклашув жамғармасининг бўлими очилган эди. Яқинда туман ҳокимлиги биносида жамғарма ходимлари билан тадбиркорларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда туман ҳокими О. Алихўжаев, Тошкент шаҳар бизнес жамғармасининг бош директори М. Мирсоатов, туман солиқ бошқармаси бошлиғи А. Асомиддинов, туман банк бошқаруви раиси ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари асосида тадбиркорларга яратилаётган шароитлар, берилаётган имтиёзлар ҳақида гапириб бердилар, тўпланганлар саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

Юсуфжон ҚОБУЛЖОНОВ.

*СУРАТЛАРДА: учрашув пайтида.*



*Хат босилмаса ҳам*

# ЧОРА КЎРИЛДИ

***Оқшомхон Р. Алиев бизга йўллаган мактубида унинг номига берилган далолатномадаги чалкашликлар туфайли бир йил овораю-сарсон бўлгани ва у яшаб турган хонадонда таъмирлаш ишлари пайсалга солинаётганлиги ҳақида фикр билдирилган эди. Ушбу мактуб чора кўриш учун Собир Раҳимов тумани ҳокими маҳкамасига юборилган эди.***

Яқинда таҳририят туман ҳокими ўринбосари С. Тоҳиров имзоси билан ушбу мактубга жавоб хати олди. Унда шундай дейилади: «Ҳақиқатан Р. Алиев оиласига Калонов кўчасида жойлашган 4-уйининг 18-хонадонига эгалик қилиш ҳақида далолатнома ёзиб берилган. Муаллиф кўтарган муаммо тўғри. Чиндан ҳам далолатномани ёзишда хатога йўл қўйилган ва ҳозирда бу камчиликка барҳам берилган. Р. Алиев истиқомат қилаётган хонадонда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган».

***Оқшомхонларнинг ушбу саволига Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими фуқаролар даромадларини баённома орқали назорат қилиш шўъбаси бошлиғи Фурқат Тўланбоев жавоб беради:***

*Сўраган эдингиз...*

# БАЁННОМА НИМА?

— Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, чет эл фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисидаги Қонунининг 14-моддасида фуқароларнинг йиллик даромадларини баённома (декларатив) шаклда солиққа тортиш кўзда тутилган, яъни ҳисобот йили якунидан сўнг фуқаролар ўзлари яшаб турган жойдаги солиқ идораларига йил давомида олган даромадлари тўғрисида баённома (декларация) топширадилар.

Йиллик якуний баённомани ҳисобот йили давомида икки ва ундан ортиқ даромад манбаига эга бўлган фуқаролар топширадилар, яъни:

— ўриндош бўлиб ишловчилар;

— якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, асосий иш жойига эга бўлган шахслар;

— тижорат-воситачи дўконларига мол топшириб, даромад олаётган шахслар;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида даромад олган шахслар.

Йиллик якуний баённомани топширишга юқорида зикр этилган даромадлар олинганлиги ҳақида маълумотлар асос бўлади. Ўтган ҳисобот йилида бир неча даромад манбаига эга бўлган фуқаролар кейинги йилнинг 1 апрелига қадар ўзлари яшаб турган жойдаги туман давлат солиқ инспекциясига бориб баённома тақдим этишлари лозим бўлади.

Икки ва ундан ортиқ даромадга эга бўлган фуқаролар тўғрисида келаётган маълумотлардан кўриниб турибдики, даромадни яширишнинг фойдаси йўқ. Шунинг учун фуқаролар ўз вақтида солиқ инспекциясига келиб олган даромадлари тўғрисида баённома топширганлари маъқул. Акс ҳолда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги мажмуасининг XIII боб, 174-моддасида кўзда тутилган «Даромадлар тўғрисида баённома (декларация) тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этгани» учун белгиланган маъмурий чора кўрилади. Маъмурий жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача бўлган суммадир,

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ортиқча харажат осон эмас. Шунинг учун юқорида таъкидланганидек баённомани ўз вақтида тақдим этиб, чиқариб берилган солиқларни кўрсатилган вақтда (йилнинг 1 июнига қадар) тўлаб қўйилса фуқаролик бурчи бажарилган бўлади.

Шуни қўшимча равишда маълум қиламизки, фуқаронинг ҳисобот йилида олган якуний даромади 3600 сўмдан ошмаса баённоманинг махсус қоғози тўлдирилмайди, аммо якуний ҳисоб-китоб ўтказилади.

Фуқароларнинг даромадларини баённома шаклида солиққа тортиш мамлакатимизда энди йўлга қўйилаётган тадбирдир. Шунинг учун барча ватандошларимиз буни тўғри тушуниб солиқ инспекциялари ходимларига яқиндан ёрдам бермоқлари зарур. Бунда корхона, ташкилот ва бирлашмаларнинг, маҳалла қўмиталарининг кўмаги муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда эса баённома шаклида солиққа тортиш кенг йўлга қўйилган.

Суҳбатни
Муяссар МУҲАМЕДОВА
ёзиб олди.

# СИҲАТ-САЛОМАТЛИК

***Ёз фаслининг гашти бўлгани каби ўзига хос муаммоли томонлари ҳам бор. Унинг талабларига риоя қилмаган киши ўзига бир қанча касалликларни орттириб олиши мумкин. Бу паллада одатда аҳоли ўртасида ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари бир қадар авжига чиқади. Ундан муҳофазаланиш хусусида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари тиббиёт фанлари номзоди Бахтиёр Аъзамов шундай деди:***

*Шу куннинг мавзуида*

## ЕГУЛИКДАН ҚЎЗҒАЛУВЧИ ДАРД

— Ҳозир кунлар авжи исиган, ёз мевалари кўп истеъмол қилинаётган даврда ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари билан оғриш тез-тез учраб туради. Бу касалликни пашшалар оёғи ва қанотига микроб илаштириб, кейин турли озиқ-овқат маҳсулотларига, асосан ҳўл мева, усти очиқ ҳолда сақланаётган овқатларга қўниб тарқатиши мумкин. Шунингдек касалликнинг келиб чиқишида баъзида озиқ-овқатларга бошқа йўллар орқали тушиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учраб туради. Масалан, стафилококк микроби баъзан турли егуликларга одам қўли орқали ўтади. Кўпинча кун исиган пайтларда кўп туриб қолган овқатларни истеъмол қилиш, қайнатилмаган сувларни ичиш ҳам ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликларига сабабчи бўлади. Демак, ҳар бир инсон ўзи истеъмол қилаётган таомни эътибор билан текшириб, сўнгра тановул қилиши лозим.

Ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари яширин даври 2 соатдан 10 кунгача чўзилиши мумкин. Касаллик кўнгил айниши, қайт қилиш, қувватсизлик, дармонсизлик, шунингдек юрак ҳаракатининг кучсизланиши билан кузатилади. Баъзан кучли тазаҳарланиш натижасида қўл-оёқда тиришиш пайдо бўлади. Тана ҳарорати бир қадар кўтарилиши, баъзан жуда баланд бўлиши ҳам мумкин. Ўткир юқумли ошқозон-ичак касаллигида асосий эҳтиёт чоралари умумий тозалик қоидаларига қатъий риоя этишни талаб қилади. Бунда яшаш жойларини тоза тутиш, пашшаларга қарши аёвсиз кураш, озиқ-овқат маҳсулотларини улардан эҳтиёт қилиш каби тадбирлар назарда тутилади. Шунингдек овқат истеъмол қилишдан олдин ҳар сафар қўлни совунлаб ювиш, қайнатилмаган сув ичмаслик, боғ ва полиз маҳсулотларини ювиб истеъмол қилишга ҳам асосий эътибор қаратилиши лозим. Бундан ташқари жамоат жойларида ошпазлар, сут маҳсулотларини тайёрловчи ишчиларни тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиб туришларини таъминлаш лозим. Микроблар мабодо овқатга йилнинг иссиқ пайтларида аралашиб қолса тез кўпаяди, шунинг учун гўшт, балиқ каби маҳсулотларни музлатилган шароитда сақлаш керак. Агар пиширилган, 4-5 соат сақланган овқатни истеъмол қилишга тўғри келса, уни бир қайнатиб олиб сўнгра истеъмолга тарқатиш лозим.

Юқорида қайд этилган чораларга амал қилинса ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликларининг олдини олган бўламиз.

Мурод РАҲИМОВ ёзиб олди.

*Эл соғлиғи—юрт бойлиги*

## «ҲАМШИРА—95» ҒОЛИБЛАРИ

Пойтахтнинг муҳташам «Туркистон» саройида «Ҳамшира-95» шаҳар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ҳамда Ёшлар Иттифоқи шаҳар комитети ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирнинг асосий мақсади — шаҳар соғлиқни сақлаш соҳаларида фаолият кўрсатаётган ҳамшираларнинг касб маҳоратларини чуқур эгаллашига кўмаклашиш, уларда ижодий ва маънавий фазилатларни шакллантириш ҳамда тиббий хизмат маданиятини ошириш эди.

Баҳслар давомида ҳакамлар ҳайъати шартларига кўра ҳамшира қизлар уч дақиқа мобайнида саломлашиш одобини, ўз табрикларини ва касбларига хос нозик қирраларини намойиш қилдилар. Сўнгра саҳна экранида акс эттирилган ҳар хил вазиятли ҳолатда, яъни кўча-кўйларда, касалхоналарда, бахтсиз ҳодисалар туфайли юз берадиган шароитларда ҳамшира қизларнинг ташхис қўйиш кўникмалари ва беморга қай даражада ёрдам бера олиш маҳоратлари имтиҳон қилинди. Уларнинг қай даражада билимдонлигини синаш мақсадида бир дақиқа ичида касбга оид берилган 15 саволнинг жавоблари текширилди. Шунингдек қизлар боғич боғлаш каби топшириқларни бажаришда ҳамда бўш вақтларда шуғулланадиган машғулотларини намойиш этдилар.

Ўзига хос бадиийлаштирилган ва театрлаштирилган беллашув иштирокчиларининг меҳнати, маҳорати ва билимдонлиги, ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббатларини баҳолаш ҳайъат аъзоларига осон бўлмади. Танлов якунларига кўра Мирзо Улуғбек туманидаги «Она ва бола» Республика марказининг кардиология бўлими ҳамшираси Сабоҳат Абдуллаева энг намунали ҳамшира деб топилди. Шайхонтоҳур туманидаги Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар клиник касалхонаси ҳамшираси Замира Ҳидоятова ва Яккасарой туманидаги 3-болалар поликлиникасининг ҳамшираси Музаяна Ниғматовалар иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгалладилар.

Танлов ғолибларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Малика Зияева табриклаб, уларга диплом, медаль ҳамда қимматбаҳо совғаларни топширди. Ёшлар Иттифоқи шаҳар комитетининг биринчи котиби Равшан Абдуқодиров танлов ғолибларига ва барча қатнашчиларга қимматбаҳо совғалар тақдим этди. Шунингдек барча ҳомий ташкилотлар ҳам танлов иштирокчиларига ўз совғаларини бердилар.







1994 йилда Бухоро шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё мамлакатлари тиббиёт ходимларининг «Ҳамшира-94» халқаро кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган, 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг биринчи курс талабаси Лобар Қосимова Сабоҳат Абдуллаевани табриклаб, унга ўз ғолиблик эстафета таёқчасини топширди. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқ артисти Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги «Ялла» эстрада дастасининг чиқишлари кўрик-танловга тантанали руҳ бағишлади. Шунингдек Хурсанд Шеров раҳбарлигидаги «Кўҳинур» дастаси ўз куй ва қўшиқлари билан қатнашди.

Дония ЗОКИРОВА.

*СУРАТЛАРДА: «Ҳамшира—95» кўрик-танловидан лавҳалар.*

*Шифокор маслаҳати*

## ЗАРАРЛИ ТАЁҚЧАЛАР

Сил касаллиги инсониятга қадим замонлардан маълум. Унинг юқумлилик хусусияти эрамиздан аввал ўтган, шарқ Луқмони Ҳаким номи билан машҳур бўлган Гиппократ, Гален ва улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Сино асарларида шарҳланган. Лекин француз ҳарбий денгиз флоти шифокори Вильмен узоқ кузатишлар ва тажрибалар асосида сил касаллигининг юқумлилик табиатини исботлади ва бу ҳақда 1865 йили Париж фанлар академиясида ахборот берди. Кейинчалик 1882 йилда немис микробиолог олими Роберт Кох касаллик қўзғатувчи микробни кашф этди ва унинг шарафига бу микроб бацилла Кох ёки Кох таёқчаси деб атала бошлади.

Касалликни тарқатувчи асосий манба сил билан оғриган одамдир. Бемор йўталганда, акса урганда минглаб заррачалар нафас йўлларидан атроф-муҳитга отилиб чиқади ва ҳавода муаллақ ҳолда 30-60 дақиқа туради, аста-секин бу заррачалар (уларда жуда кўплаб сил таёқчалар бўлиши мумкин) уй анжомларига, кийим-бошларга, идиш-товоқларга ёғилади. Сил таёқчаси киши танасига асосан нафас йўллари орқали киради.

Касалликнинг келиб чиқиши кўп омилларга боғлиқ. Агар киши бақувват, сил касаллигига нисбатан табиий чидамлилиги мустаҳкам бўлса, танасига кирган микроб касаллик қўзғатмаслиги мумкин. Аксинча одам камқувват, нимжон, ҳар хил сурункали касалликларга чалинган, боз устига зарарли одатларга мойил бўлса унда сил касаллигининг келиб чиқиши учун ҳамма шароитлар мавжуд деяверинг.

Киши танасининг ҳамма аъзолари сил касаллигига чалиниши мумкин. Масалан лимфа безлари сили, суяк-бўғим сили, жинсий аъзолар сили ва ҳоказо. Лекин буларнинг ичида энг кўп учрайдигани, эпидемиологик жиҳатдан ўта хавфлиси ўпка сили ҳисобланади. Касалликнинг дастлабки белгилари турлича — билинар-билинмас ҳолсизлик, қуруқ йўтал, гоҳида кечқурунлари танада кўтариладиган юқори ҳарорат, узлуксиз йўтал, ўпкадан қон кетиш каби кўринишларда намоён бўлади. Баъзида эса ўпка сили ҳеч қандай белгисиз ривожланади ва ялпи флюорографик текширувларда тасодифан билинади.

Ўзбекистоннинг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитида ўпка сили кўпинча бирор белгиларсиз ривожланади, баъзида шундай ҳоллар ҳам учрайди, киши ўзини нохуш сезади, тайинли бирорта аъзоси безовта қилаётганини билмайди, барча мутахассисларда текширувлардан ўтади, айримларда эса бесамар даволанади ва энг сўнггидагина фтизиатрга мурожаат этади. Бу пайтга келиб эса касаллик анча ривожланган бўлади.

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш осон. Бу жиҳатдан оладиган бўлсак сил касаллигининг олдини олиш бола дунёга келган туғруқхоналарда бошланади. Бунда гўдак БЦЖ вакцинаси билан эмланади. Шу йўл билан сунъий равишда киши танасининг сил касаллигига берилувчанлиги маълум вақтда йўқотилади. Шунинг учун такрорий эмлаш 7, 12, 17 ва 30 ёшда қайтарилади. Эмланганлар ўзларини хасталикка нисбатан 80 фоиз муҳофаза қилган бўладилар.

Касалликнинг олдини олишдаги бошқа чоралар кўпроқ ижтимоий масалаларга бориб тақалади. Жумладан, аҳоли уй-жой шароитида озодаликни сақлаш, иш жойларига киши танасига салбий таъсир этувчи барча иллатларни тугатиш ва ҳоказо. Силга чалинган кишиларни озиқ-овқат, умумий овқатланиш ва болалар муассасаларидан четлатиш, кишиларнинг ўзларига бевосита боғлиқ бўлган соғлом турмуш тарзини жорий этиши лозим. Жисмоний тарбия ёрдамида танани чиниқтириш ва шу орқали унинг касалликка бўлган табиий чидамлилигини оширишга эришиш зарур.

Ҳозирги кунда бу хасталикдан бутунлай соғайиб кетиш учун барча имкониятлар мавжуд. Лекин бу жараён кўп жиҳатдан беморнинг ўзига ҳам боғлиқ. Унинг сабр-бардоши, иродаси қай даражада қатъий бўлиши катта аҳамиятга эга.

Арслон ЭШОНХУЖАЕВ,
1-шаҳар сил касалликлари клиник касалхонасининг ташхис бўлими мудири.

*Дилкаш суҳбатлар*

## МЕЪЁРИНИ БИЛГАНГА ЯХШИ

***Бугунги кунда янги туғилган чақалоқлар ўртасида суяк-бўғим хасталикларининг пайдо бўлаётгани кишини ўйлантирмоқда. Бу муаммо хусусида фикр билдириш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Мурод Солиев билан суҳбатлашдик.***

**— Мурод ака, аввало боланинг жисмонан расо ўсишида ортопедия соҳасининг аҳамияти хусусида гапирсангиз.**

— Болалардаги ортопедик нуқсонларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида даволаш масаласи келажак авлоднинг жисмоний баркамоллигини таъминлаш тизимида муҳим ўрин тутади. Бу масалани ҳал этиш фақат тиббиёт олимларигагина эмас, балки кўп жиҳатдан ота-оналарга ҳам боғлиқ. Улар бола тана тузилиши, уни парвариш қилиш йўллари ҳақида муайян тушунчага эга бўлишлари керак. Ортопед шифокор бола саломатлигини сақлаш тизимида жуда муҳим ўрин тутувчи мутахассисдир. У боланинг таянч-ҳаракат аъзоларида, яъни қўл-оёқ ва умуртқа, суяк-бўғимларида қийшиқлик, калталик, жойидан чиқиш каби ўзгаришларни аниқлаш ва даволаш билан шуғулланади. Болалар поликлиникаларида янги туғилган чақалоқни биринчи бўлиб кўрикдан ўтказувчи учта асосий мутахассис — невропатолог, педиатр билан бирга ортопед эканлиги бежиз эмас. Аксарият туғма ортопедик касалликлар болани безовта қилмайди, ташқи кўринишидан ҳам билинмайди. Шунинг учун биз уларни маккор касаллик деб айтамиз.

**— Ўзингизга маълумки, бешикнинг хосияти авлодлар синовидан муваффақиятли ўтган. Лекин нима учундир сўнгги пайтларда бешикда вояга етган гўдакларда ҳам суяк-бўғим хасталиклари кўпаймоқда...**

— Халқимиз юксак миллий маданият соҳибидир. Шу жумладан фарзанд парвариши, тарбияси соҳасида ҳам қадимдан шаклланган, синалган одатларимиз бор. Улар ҳозирги замон тиббиёт илми томонидан ҳам илмий асосланган. Шу билан бирга бола танасининг тузилиши ва ўсиши ҳақида талай нотўғри тушунчалар ҳам борки, улар аҳолининг маълум қисми ичида кенг тарқалган. Кези келганда бир масала хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ортопед шифокор чақалоқни кўриб даволашни тавсия этса, баъзи ёши катта одамлар «Ўзи ўтиб кетади, қўявер, даволатма, болани қийнама», деб ёш ота-оналарни йўлдан қайтарганлари, шу билан даволаш фурсати бой берилиб, кейин пушаймон бўлганларини кўп учратганман. Ёки умуман ортопедга кўрсатишга қаршилик қилувчи, «Ортопедга кўрсатсанг, соғ боладан касал топиб, оёғига темир ёки гипс қўяди, боламиз тинч, ҳеч нарсадан безовта бўлмаяптику, демак, у соғлом», — дегувчилар ҳам оз эмас. Тўғри, баъзи бир ортопедик хасталиклар, масалан, чаноқ-сон бўғимлари дисплазияси ёки тизза бўғимларининг қийшиқлиги, айрим ҳолларда муолажасиз тузалиб кетиши мумкинлигини тажрибада кўрилган. Лекин бутун муаммо шундаки, кимдадир ўз-ўзидан тузалиб кетадию, кимни эса мажруҳликка олиб келишини олдиндан айтиб бўлмайди. Тузалиб кетса яхши, агар тузалмасачи?

Олимларимиз оғир ортопедик хасталик бўлмиш сон суягининг туғма чиқиши касаллигининг Ўзбекистонда бошқа жойларга нисбатан кўпроқ учраши сабабларини ўрганиб чиқиб, бу сабаблардан бири чақалоқларнинг бешикда ётиши деган хулосага келганлар. Мен бешик мутлақо зарарли нарса демоқчи эмасман. Меъёрини билиб, қоидаларига риоя қилиб боқилса бешикда ҳам болани соғлом ўстириш мумкин. Лекин бунинг учун асосий иккита шарт бор: биринчидан, чақалоқда туғма ортопедик нуқсонлар бўлмаслиги керак, демак, бола албатта ортопед кўригидан ўтмоғи лозим. Иккинчидан, чақалоқни тез-тез бешикдан чиқариб, баданини қуёш нуридан баҳраманд қилиб туриш, қўл-оёқларини эркин ҳаракат қилишига имконият бериш керак.

**— Ҳозирги кунда ёш болалар орасида суяк-бўғим хасталикларининг қайсилари кўпроқ учрамоқда?**

— Бугунги кунда болалар ўртасида суяк-бўғим хасталикларидан кўп учраётгани бўкса дисплазиясидир. Оддийроқ қилиб айтганда, чаноқ-сон бўғимларининг кам ривожланиши ёки ривожланишдан орқада қолиши деган маънони англатади. У Ўзбекистон ҳудудида бошқа жойларга нисбатан кўпроқ, айниқса қиз болаларда учрайди. Бу касаллик тузалмаган тақдирда оғир оқибатларга олиб келади, сон суягининг туғма чиқишига сабаб бўлади, ёки коксартроз деб аталмиш бўкса оғриғига дучор қилади. Касалликнинг асосий белгиси бола сонларининг ташқи томонга керилмаслиги, яъни оёқлари орасининг яхши очилмаслигидир. Бундан ташқари сон соҳасидаги тери бурмаларининг иккала оёқда икки хил жойлашиши, номутаносиблиги ҳам қисман дисплазия борлигидан дарак беради. Бу хасталикни даволаш учун чақалоқнинг оёқларини гўё у она қорни устида ўтиргандек ҳолатда, яъни тиззаларини икки томонга керилган ҳолатда ушлаши керак. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай ҳолатни бешикда қилиб бўлмайди, шунинг учун бўкса дисплазияси бор болаларни бешикка ётқизмаслик лозим. Чақалоқ 2—3 ойлик бўлгунча оёқлари орасини очиб йўргаклаш мақсадга мувофиқдир. Каттароқ бўлгач, махсус иштончалар ва мосламалар кийгизиш тавсия этилади. Болани ҳамма вақт — хоҳ уйда бўлсин, хоҳ кўчада, оёқларини очиб кўтариш керак. Баъзи оналар болаларини бундай ҳолатда кўтаришга истиҳола қилишади, уларнинг фикрича, болани бундай кўтариш уят саналар эмиш. Мен бу фикрга мутлақо қўшилмайман. Бола оёқларини кериб кўтаришнинг қадимий ўзбекча усули — опичлашни ҳамма билади. Буни ҳеч ким айб ҳисобламайди-ку. Фарқи фақат шундаки, чақалоқ қаддини тутиши осон бўлиши учун уни бағрингизга босиб ушлайсиз холос.

**— Сўнгги пайтларда тижорат дўконларида турли болалар тиббий мосламалари сотилмоқда. Улар гўдакларнинг тезроқ юриб кетишига ёрдам берар эмиш...**

— Болаларни вақтидан аввал оёққа бостириш ҳам зарарлидир. Охирги пайтларда ёш ота-оналар ичида болани юришга ўргатувчи мослама — ходунки урф бўлаётгани рост. Бу мосламага гўдакни 10, 9 ва ҳатто 7 ойлигидан ўтказишган ҳолларни учратиш мумкин. Бунга сабаб нима — чиройли нарсаларга ишқибозликми ёки фарзандининг тезроқ юриб кетишига иштиёқми — билмадим. Шу муносабат билан яна бир бор эслатмоқчиман: инсон боласининг туриши ва юришига табиатнинг белгилаган ўз муддати бор. Табиатни нихталаб, бу муддатни сунъий равишда қисқартиришга уриниш, мурғак суякларга оғирлик бериш зарарлидир. Юқорида зикр этилган мослама — ходункилар фақат бирон бир сабаб билан юриши кечиккан болалар учун мўлжалланган ва уларни бир ёшдан кейингина ишлатиш мумкин.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.



*Тиббиёт муассасаларида*

## ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАРДА ДАВОЛАНИШАДИ

Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар клиник касалхонасида ташкил этилган янги бўлим йигирма ўринга мўлжалланган бўлиб, унда юрак, ўпка, бўғим, ошқозон-ичак, асаб хасталикларига чалинганлар даволанади.

— Мен ўпка шамоллашининг оғир шакли ташхиси билан бу ерга келган эдим, — дейди шу бўлимда даволанаётган бемор Шуҳрат Ҳасанов. — Шу куниёқ даволаш ишларини бошлаб юборишди. Қисқа вақт ичида ўзимни анча яхши ҳис эта бошладим. Энг муҳими бу ерда беморлар учун барча шарт-шароитлар мавжуд экан. Ана шу омил ҳам беморларнинг тезда шифо топиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бемор таъкидлаганидек, бу ердаги шароит ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган даражада ташкил этилган. Жумладан, беморхоналар икки ўринга мўжалланган, бир кишилик беморхоналар ҳам бор. Ҳар бири алоҳида телевизор, кийим алмаштириш жавони, ювиниш бурчаги билан таъминланган.

— Асосий вазифамиз — беморларга юксак тиббий хизмат кўрсатишдир, — дейди бўлим мудири Манзура Шоёқубова. — Шунинг учун бўлимимизга юқори малакали шифокорларни жалб қилганмиз. Улар орасида Абдулла Убайдуллаев, Дилбар Маҳмудова каби ўз ишининг билимдони бўлган профессорлар, Муҳайё Ҳасанхўжаева каби малакали шифокорлар меҳнат қилишмоқда. Муҳаббат Азизова, Шоҳиста Султонова, Мухтабар Жалилова кабилар эса фақат олий ва биринчи тоифали ҳамширалардир.

Бўлимнинг яна бир афзаллиги шундаки, бемор аҳволининг мунтазам текширилиб бориши ҳеч қандай оворагарчиликсиз шу ернинг ўзида амалга оширилади. Хусусан қоннинг барча текширувлари, ультратовуш ёрдамида ташхис қўйиш, электрокардиограмма, фонокардиограмма, рентген ва радиология, лазер аппарати хоналари шулар жумласидандир. Махсус дам олиш хоналари эса юксак дид билан нақшинкор усулда безатилган.

Асосий муолажалар физиотерапия ҳамда ўсимлик шарбатлари билан олиб борилади. Фақат қатъий лозим бўлгандагина дори-дармонлардан фойдаланилади, бинобарин, беморлар учун бу ерда дори-дармонларнинг деярли барчаси мавжуд. Шунинг учун бўлимда даволанаётган беморлардан фақат шифокорларга миннатдорчилик сўзларини эшитиш мумкин. Сўнгги пайтларда бу бўлимга фақат бирор касалликка чалинган беморларгина эмас, балки саломатлигини кўрикдан ўтказиб, лозим бўлса даволаниш мақсадида ҳам мижозлар келишмоқда.

Мажид РАИМОВ.

*СУРАТЛАРДА: умумий терапия бўлими мудири Манзура Шоёқубова ўз жамоаси даврасида; ҳамшира Умида Саимова беморлар билан.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



*Туркистон — умумий уйимиз*

## ТОМИРИ ТЕРАН ОҒА-ИНИЛАР

«Ўзбек ва қозоқ халқларининг турмуши, урф-одатларида ўхшашлик жуда кўп. Бу икки халқ барча замонларда, ўз озодликлари учун биргаликда курашиб келганлар» деган эди ўзбек халқининг севимли фарзанди, бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек ва қозоқ халқларининг қадим замонлардан дўстлиги, биродарлиги, оға-ини эканлигини исботлайдиган тарихий далилларни кўплаб келтириш мумкин. Масалан, пойтахтимизда XVI аср ёдгорлиги — Бароқхон мадрасаси бор. Бароқхон аслида ким бўлган? У XV аср охири ва XVI аср ўрталарида Тошкент ҳамда Сирдарёда ҳокимлик қилган. Бароқхон Самарқанд хони Шайбону авлодидан чиққан Суюниш Хожа хоннинг фарзанди, Дашти Қипчоққа ҳукмронлик қилган Абулхайрхоннинг набирасидир.

Ёки тарихий мисол сифатида қозоқ Жалангтўс (Ялангтўш) ботирни олайлик. У очарчилик бўлган 1581 йили Бухоронинг Нурота тоғидан макон топади. 12 ёшида қозоқ хони Динмуҳаммадга хизмат қилади. Ақллилиги, тадбиркорлиги ва ботирлиги билан хоннинг назарига тушади. 1640 йили қозоқ ва ўзбекларга қарши чиққан Қалмоқ хони Ботирни енгиш учун Жалангтўс аскарларига бош бўлиб, ёвни тор-мор этади. 1643 йили Еттисувда қалмоқларга қарши курашаётган Жангирхон аскарига Самарқанддан 20 минг аскарни ёрдамга юборади.

1649 йили Бухоро хони Абдул Азиз билан Эрон подшоси ўртасида Хуросон ва Балх учун бўлган жангларда Жалангтўс лашкарларга бошчилик қилиб, ёвга қақшатқич зарба беради. Шу урушда Бухоро билан қозоқ хонликлари умумий ёвга қарши курашиш учун шартнома тузади. Академик М. Массоннинг айтишича Жалангтўсга келиб турадиган совға-саломлар, хазиналар мамлакат бойликларидан кўп экан. Унга Ҳиндистондан, қирғиз, қозоқ хонларидан, ҳатто Тибетдан кўплаб қимматбаҳо буюмлар келиб турган.

Тарихий шахслардан яна бири Тўлабий ҳақида кўпчилик билади. У ёшлигидан адолатли, жасур, сўзга чечан бўлган. У эл-улус орасидаги ер-сув масалаларини тўғри ҳал қилиши билан қозоқ-ўзбек халқлари ўртасида шуҳрат қозонади. Тўлабий 1698 йили бошланган қалмоқларга қарши курашда, қозоқ, ўзбек, қирғиз ва қорақалпоқ халқларини бирлаштириб, жангда ғалаба қозонади. Қалмоқлар бостириб келганда Тўлабий ёлғиз қолади. Ёв аскарлари келиб: «Бу қанақаси, ҳамма қўрқиб қочиб кетганда сен юртда қолиб қўрқмай ўтирибсан» деб сўрашади. Шунда у «Ўтовимда полапон очган қалдирғоч уяси бор, кўчсам шуларнинг уяси бузилади», деб жавоб берган экан. Буни эшитган босқинчилар Тўлабийга тегишмабди. Ўзбек дўстларимиз шунга кўра бу инсонни «Қалдирғоч авлиё» дейишади.

Тошкент атрофидаги Култепа деган жойда уч юздан ортиқ беклар ўзаро бош қўшиб, тез-тез маслаҳат қилишар экан. Шундай кенгашларда Тўлабий халқларни бирликка, биродарликка чақирибгина қолмасдан Чимкент, Туркистон ва Тошкентда юрт фойдаланадиган қурилиш ишлари билан ҳам шуғулланган. Тошкентга 12 йил ҳокимлик қилган бу инсоннинг жасади шаҳримиздаги Юнусхон қабри ёнига қўйилган.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, машҳур Абай отамиз айтиб кетганидек Марказий Осиё босиб олингунга қадар ўзбеклар ўз оғалари, яъни қозоқларнинг ҳар ишда суянган тоғи бўлганлар. Очарчилик йиллари қозоқлар ўзбек уйидан бошпана топган. Ҳозир Ўзбекистонда бир миллионга яқин қозоқлар ўзбек бовурлари билан ёнма-ён туриб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда.

Академик-ёзувчи Мухтор Авезов, ёзувчи ва шоир Мағжон Жумабоев, академик, халқ рассоми Урол Тансиқбоев, ёзувчилар Одил Ёқубов, Носир Фозилов, марҳум Туроб Тўла ва Ўзбекистон халқ рассоми Мирзахўжа Холиқуловлар Ўзбекистон нон-тузини тотиб шуҳрат қозонган бўлсалар, эндиликда ўзбек-қозоқ дўстлигини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Қидирбой ТУЛАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

